

BEVOR/EHE БОҒЛОВЧИЛАРИНИНГ ҚЎШМА ГАПЛАРДАГИ ПАЙТ МУНОСАБАТЛАРИ



Соҳибaxon Якубовна АБДУЛЛАЕВА

ф.ф.н., доцент

немис тили назарияси ва амалиёти кафедраси мудири

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

Аннотация

Мақолада немис тилидаги *bevor/ehe* боғловчиларининг эргаш гапли қўшма гаплардаги вазифаси, бош ва эргаш гап ўртасида пайт муносабатларини ифодалашдаги ўрни, бажарилаётган иш-ҳаракатлар ўртасидаги алоқалар ҳамда уларнинг замон шаклларидаги жойлашуви ҳақида фикр юритилади.

Калит сўзлар: коммуникатив; прагматик; препозиция; постпозиция; интерпозиция; чегараланган; чегараланмаган.

СООТНОШЕНИЕ ВРЕМЕННЫХ СОЮЗОВ *BEVOR / EHE* В СЛОЖНОПОДЧИНЁННОМ ПРЕДЛОЖЕНИИ

Соҳибaxon Якубовна АБДУЛЛАЕВА

к.ф.н., доцент

заведующий кафедрой теории и практики немецкого языка

Узбекский Государственный Университет мировых языков

Аннотация

Семантика сложноподчинённых предложений отражается в выражении временных отношений и существует связь между сложноподчинёнными предложениями и главными предложениями. В статье идёт речь о выражении союзов *bevor/ehe* в сложноподчинённом предложении, отношении между актами и расположении временных форм.

Ключевые слова: коммуникатив; прагматик; препозиция; постпозиция; интерпозиция; ограниченный; неограниченный.

THE RATIO OF THE TIME OF ALLIANCES IN THE *BEVOR / EHE* IN A COMPLEX SENTENCE

Sokhibakhon Yakubovna ABDULLAYEVA

Candidate of Philology, associate professor

Head of the Department of German Language

Uzbekistan State World Languages University

Abstract

The semantics of the composite sentences with various subordinate clauses are reflected in the expression of temporal relations and there is a connection between the composite sentences with clauses subordinate clauses and the main clause. The state of affairs in this respect the time of the speech act should be considered in the form of correlation with time indicators like “bevor/ehe”.

Keywords: communicative; pragmatist; preposition; postposition; interposition; limited; unlimited.

Пайт эргаш гапнинг коммуникатив-прагматик турига кирувчи *bevor/ehe* каби пайт боғловчилари орқали боғланган бўлиб, унда эргаш гап кесимининг иш-ҳаракати доимо бош гап кесими иш-ҳаракатидан кейин келиши билан бошқа гап турларидан фарқ қилади. Яъни бир иш-ҳаракатнинг бошқа иш-ҳаракатдан олдин содир бўлиши ифодаланади: *Bevor wir essen, musst du den Tisch decken; Kurz bevor er starb, änderte er das Testament; Ehe ich nicht weiß, was er will, reagiere ich nicht* (5, 159).

Bevor боғловчили эргаш гаплар препозицияда ва постпозициядан ташқари интерпозицияда ҳам келиши мумкин. Интерпозиция ҳолати *bevor* боғловчили эргаш гапга характерли, деб ҳисобласа ҳам бўлади. Буни куйидаги мисолларда кўришимиз мумкин:

Постпозицияда: “*Du musst dich wärmen, Jan, bevor wir weiterfahren* (1, 213).

Препозицияда: *Und bevor ich mich umdrehen kann, beginnt er zu pfeifen* (1, 90).

Интерпозицияда: (3) *Mein Verdacht war mehr als begründet. Ich hatte mir, bevor ich (gottlob unbehelligt) kurz nach Martas Abgang Wohnung und Institutsgebäude verließ, schnell noch Rudolfs zweiten Roman eingesteckt, in der Originalausgabe und in der italienischen Übersetzung, um in Ruhe vergleichen zu können* (4, 129).

Эргаш гапнинг жойлашишига қараб қўшма гапда замон шаклларининг қўлланишини таққосласак, куйидаги ҳолатлар кўзга ташланади.

Постпозицияда:

1. Бош гапда презенс, эргаш гапда презенс (иккала презенс ҳам келаси замон маъносида): “*Ja, ich will in Hamburg sein, bevor es dunkel wird*” (7, 329).

2. Бош гапда презенс, эргаш гапда плюсквамперфект: *Heute strickt sie schwarze Handschuhe und hat noch blanke, lebhaft Augen, ihre Haare sehen aus wie der Rosa Luxemburg, bevor sie in Berlin umgebracht wurde* (7, 99).

3. Бош гап ва эргаш гапда претерит: *Natürlich fiel mir sofort ein Freund meiner Jugend ein, der immer wahllos zehn Seiten Karl Kraus las, bevor er seine Artikel schrieb, die dann von ihm waren, aber wie Karl Kraus klangen* (4, 130). Бу гапда *bevor bis* боғловчисига синоним бўлиб келган (...*bis er seine Artikel schrieb...*)

Демак, бош гап ва эргаш гаплар постпозицияда келганда турли хил замон шакллари қўлланилиши мумкин.

Препозицияда аксарият ҳолларда иккала гапларда ҳам бир хил замон шакли қўлланилишини кузатамиз:

1. Бош гапда презенс, эргаш гапда ҳам презенс: *Bevor er absperrt, schaltet er in seiner Auslage für die Nachgänger die große Beleuchtung an* (2, 16).

2. Бош гапда претерит, эргаш гапда претерит: *Bevor er den zweiten Stock erreichte, ging oben eine Tür auf* (7, 12).

Айрим ҳолатларда ҳар хил замон шакллари қўлланилиши ҳам кузатилади:

3. Эргаш гапда претерит, бош гапда перфект: *Sie weiß so vieles; bevor sie Lehrerin wurde, hat sie pausenlos gelernt* (7, 137).

Интерпозицияда:

1. Бош гапда претерит, эргаш гапда эса презенс: *Das wären mir so die Methoden, um einen Mann, bevor er anfängt, zur Strecke zu bringen* (2, 47).

2. Бош гапда плюсквамперфект, эргаш гапда эса претерит: *Mein Verdacht war mehr als begründet. Ich hatte mir, bevor ich (gottlob unbehelligt) kurz nach Martas Abgang Wohnung und Institutsgebäude verließ, schnell noch Rudolfs zweiten Roman eingesteckt, in der Originalausgabe und in der italienischen Übersetzung, um in Ruhe vergleichen zu können* (2, 129).

3. Бош гапда перфект, эргаш гапда претерит: *Sie haben, bevor Sie hierher kamen, unterschrieben, dass Sie sich an die Hausordnung halten würde* (4, 235).

Демак, интерпозицияда бош ва эргаш гапларда бир хил ёки ҳар хил замон шакллари қўлланилиши мумкин. Эргаш гап интерпозицияда келиши учун бош гап албатта рамка ташкил қилувчи воситалар билан қўлланилиши лозим.

Препозицияда келувчи *bevor* боғловчили пайт эргаш гапли қўшма гапларлардаги бош ва эргаш гапда иш-ҳаракатларнинг тўлиқ тугалланганлиги, якуний нуқтасига етган ёки бошланганлиги ифодаланади. Бу гапларнинг таҳлили қуйидаги вазиятларни аниқлаш имконини беради.

1. Эргаш гапдаги субъект ўзининг мақсад қилган иш-ҳаракатини бошлашга улгурмасдан, бош гапда бошқа бир иш-ҳаракат содир бўлади: *Bevor er noch etwas entgegen konnte, flog ihm ein handtellergroßer runder Gegenstand entgegen und plumpste, nachdem er seine Fliehkraft an seiner Nase verbraucht hatte, kraftlos auf seinen Schoß* (6, 193).

2. Эргаш гапдаги субъект мақсад қилган иш-ҳаракатини хали бажармасдан олдин бош гап даги иш-ҳаракатини бажаради: *Bevor er absperrt, schaltet er in seiner Auslage für die Nachgänger die große Beleuchtung an* (2, 16);

3. Эргаш гапдаги субъект ўзининг иш-ҳаракатини бажаришидан олдин унинг бош гапдаги иш-ҳаракати содир бўлади: *Noch bevor Eduard am anderen Morgen das „Berliner Tagblatt“ aufschlug, wusste er, dass darin etwas stehen würde, das eine Gegendarstellung verlangte* (6, 297).

Эргаш гап препозицияда келганида келтирилган мисолларда эргаш гап ва бош гапларда бир хил замон шакллари (аксарият ҳолатларда претерит: претерит ва презенс: презенс) қўлланилади. Бош гап ва эргаш гапларда

аксарият мисолларда чегараланган феъллар қўлланилиб, улар тугалланган иш-ҳаракатларни ифодалайди. Айрим ҳолатларда чегараланмаган феъл қўлланса-да, у ҳам натижани ёки иш-ҳаракатнинг бошланғич нуқтасини ифодалайди. Масалан, қуйидаги мисолда бош гапда чегараланмаган *stehen* феъли қўлланилган бўлса ҳам *plötzlich* холи ёрдамида бу ерда тўсатдан юз берган ҳолат ифодаланганлиги аниқланади: *Noch bevor der Kuchen kam, stand plötzlich ein Mädchen neben unserem Tisch, gab meiner Mutter die Hand und machte sogar einen Knicks, was in ihrem Alter (fünfzehn, sechzehn) lächerlich wirkte* (3, 229).

Энди постпозиция ҳақида икки оғиз сўз. Биринчидан, бу ҳолатда биз ҳам чегараланган, ҳам чегараланмаган феълларни учратишимиз мумкин.

1. Бош гапда чегараланмаган феъллар (*lesen, warten, zögern, aussehen, sein, hängen, schweigen*) қўлланилганда биз қуйидаги вазиятларни кузатамиз:

1.1. Бош гапда ҳаракат аниқ бир вақт давомида содир бўлиши ёки доимо такрорланиши, эргаш гапда эса шу ҳаракатнинг натижаси билан боғланган иш-ҳаракат ифодаланади. Масалан: *Natürlich fiel mir sofort ein Freund meiner Jugend ein, der immer wahllos zehn Seiten Karl Kraus las, bevor er seine Artikel schrieb, die dann von ihm waren, aber wie Karl Kraus klangen* (2, 130). Бу мисолда эргаш гапда ҳам чегараланмаган феъл *schreiben* қўлланилиб, у одатда такрорланадиган иш-ҳаракатни ифодалайди.

1.2. Бош гапдаги иш-ҳаракат аниқ бир вақт чўзилиши, ва ундан кейин эргаш гапдаги иш-ҳаракатнинг бажарилиши мумкин: *„Poet verließ die Wohnung um 21.14, wartete etwa 30 Sekunden, bevor er die Straße überquerte, sah sich zweimal um und öffnete die Tür der Telefonzelle auf der gegenüberliegenden Straßenseite* (6, 65).

1.3. Бош гапда бир ҳолатнинг бошланиши, эргаш гапда эса шу ҳолатга қарши ҳаракат қилиниш мақсади кўзга ташланади: *Sie entschied sich trotz der prekären Situation dafür, mich ohne Umstände sofort zu umarmen, und hing, bevor ich noch die Hand abwehrend ausstrecken konnte, schluchzend an meinem Hals ...* (2, 143) – (бу мисолда эргаш гап интерпозиция ҳолатида жойлашган).

2. Бош гапда чегараланган феъллар қўлланилган ҳолатларда биз қуйидаги вазиятларни кузатишимиз мумкин:

2.1. Бош гапда олдин содир бўлган иш-ҳаракат тўлиқ бажарилган, эргаш гапдаги иш-ҳаракатнинг ҳам тўлиқ бажарилиши кўзда тутилган: *Er legt den Fünfundzwanzigmarschein auf der Kasse sichtbar beiseite, bevor er dem Friseur auf dem blanken Teller das Silber hinzählt* (2, 10).

2.2. Бош гапдаги иш-ҳаракатнинг эргаш гапдаги иш-ҳаракат содир бўлмасдан тўлиқ бажарилиши акс этади: *Ein Mann, der die Gäste des*

Waffenziehens machte, ist auf der Stelle durchlöchert worden, noch bevor er mit der Waffe jemanden bedroht hätte (8, 157).

2.3. Бош гап даги субъектнинг тугалланган иш-ҳаракатлари, эргаш гапдаги субъектнинг одатда ва такрорий бажарган иш-ҳаракатлари билан боғланган ҳолда содир бўлганлиги ифодаланади: *Er kniff die Augen zusammen und verzog das Gesicht wie Charlton Heston, bevor er einen umlegt* (3, 207).

Таҳлил шуни кўрсатадики, *bevor* боғловчили қўшма гапларда ифодаланадиган иш-ҳаракатларнинг ўртасида бўлган муносабат қўлланилган феълларнинг акционал ва аспектual маънолари, замон шакллари, пайт кўрсаткичлари ва айрим ҳолларда эргаш гап жойлашуви (препозиция, постпозиция, интерпозиция) билан зич боғланган бўлади.

Чегараланган феъллар қўлланилганда иккала гапда ҳам иш-ҳаракатлар тўлиқ бажарилади, яъни уларнинг тўлиқ бажарилган пайт нуқтаси (бошланиш ёки якуний нуқтаси) ифодаланади: олдин бош гапдаги иш-ҳаракат, кейин эса эргаш гапдаги иш-ҳаракат.

Чегараланмаган феъллар бош гап да қўлланилган бўлса, ифодалаган иш-ҳаракатларнинг оқими, чўзилиши, такрорланиши, бошланиши, аниқ бир вақтда содир бўлган ҳолати кузатилади (юқоридаги мисолларга қаранг). Шундай бўлса-да, асосий пайт муносабати сақланиб қолади: яъни бош гап ва эргаш гапларда ифодаланган иш-ҳаракатлар олдин, кейин содир бўлади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

- Aichinger I. Die größere Hoffnung. – Frankfurt am Main: Fischer Taschenbuch Verlag, 1991. – 281 S.
- Fleißer M. Eine Zierde für den Verein: Roman vom Rauchen, Sportlern, Lieben und Verkaufen. – Frankfurt am Main: Verlag, 1975. – 202 S.
3. Goosen F. Pink Moon. – Frankfurt am Main: Eichborn AG, 2005. – 300 S.
4. Krüger M. Die Turiner Komödie. – Frankfurt am Main: Suhrkamp Verlag, 2005. – 191 S.
5. Langenscheidts Großwörterbuch. Deutsch als Fremdsprache. – Langenscheidt KG. – Berlin und München, 1993. – 1183 S.
6. Schneider P. Eduards Heimkehr. – Berlin: Rowohlt Berlin Verlag GmbH, 1999. – 407 S.
7. Surminski A. Kein schönes Land. – Frankfurt / M – Berlin: Verlag Ullstein GmbH, 1993. – 357 S.
8. Strauss B. Paare, Passanten. – München, Wien: Carl Hanser Verlag, 1981. – 205 S.